

Рамазон ойига муносиб тайёргарлик масалалари муҳокама қилинди



09:21 / 10.03.2022 2092

Жорий йилнинг 9 март куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла ҳазратлари ташаббуслари билан Рамазон ойида ўқиладиган хатми Қуръоннинг савиясини янада яхшилаш мақсадида, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг «Қуръон ва тажвидни ўргатиш» бўлимида ҳайъат аъзолари тузилди ва бир қатор масалалар кўриб чиқилди.

Йиғилишда Рамазон ойида бутун Республика бўйлаб хатмонада турадиган қориларни қайта назоратдан ўтказиш, уларни қироатига устоз қорилар томонидан янада кўпроқ эътибор қаратиш кераклиги ҳақида тавсиялар берилди.

Ушбу йиғилишда, «Убай ибн Каъб» жомеъ масжиди имом-хатиби ва «Qur'on TV» илмий-маърифий онлайн телеканални раҳбари Абдулҳаким қори Матқулов, Ўзбекистон халқаро ислом академияси фахрий доктори, Ўзбекистон мусулмонлари идораси «Қуръон ва тажвидни ўргатиш» бўлими мудир шайх Алижон қори Файзуллоҳ Махдум ўғли, Ўзбекистон мусулмонлари идораси «Қуръон ва тажвидни ўргатиш» бўлими мудир ўринбосари ва Ўзбекистон халқаро ислом академияси фахрий доктори Аброр Мухтор Алий, Қуръон ҳофизи Абдулбосит қори Абдуллажонов, «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жомеъ масжиди имом-ноиб, Қуръон ходими Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид ва бошқа устоз қорилар иштирок этишди.